



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (12.605)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик энг катта бойлигимиз. У барча соҳаларда эришадиган муваффақиятларимиз, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-этибори юксалиб бораётганининг муҳим омилларидандир.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНЛАРИ

Бундай эзгу ва хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу борада халқ билан яқдил, ҳамнафас иш юритаётган маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари фаолиятини замон талабларидан келиб чиқиб янада ривожлантириш давлатимизнинг алоҳида эътиборида. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови бунинг амалий ифодаси бўлиб, маъмурий таъдбир орқали энг илғор тажриба ва ютуқлар оммалаштирилади.

«Тошкент» саройида маъмурий таъдбирнинг 2013 йил натижалари бўйича якуний босқич бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-майор А.Ахматбоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит яратилганини таъкидлади. Айниқса, осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида жамиятнинг энг муҳим бўлини бўлган маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибат муҳити қарор топиб, аҳоли тадбиркорлик, бунёдкорлик ишларига бел боғлаган бўлса, ёшлар хунар эгаллаш, спорт билан шуғулланиш, илм ўрганишда юксак қўқиларни забт этмоқда.

Буларнинг бари жамиятда маҳалла институтининг роли ва мавқеи юксалаётгани, ички ишлар идоралари ходимларининг маъмурий таъдбир билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамлангани натижасидир. Профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонвий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани боис уяраётган муаммолар жойида, тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Натижада 2013 йилда 2 минг 230 халқаларда бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Мамлакатимиздаги мавжуд 3 минг 712 милиция таянч пунктларининг аксарияти ҳузурида факультатив тўғрақлар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари фаолият юритаётгани бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маъмурий таъдбирнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида қилиб бўлган 14 милиция таянч пункти иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Обод турмуш маҳалласида жойлашган 147-милиция таянч пункти, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги Бувайдо маҳалласида жойлашган 258-милиция таянч пункти, Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Мирмирон маҳалласида жойлашган 44-милиция таянч пункти, Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Учтепа маҳалласида жойлашган 133-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилди. Ҳолибларга «Matiz» автомобиллари топширилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани аҳоли тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Обод турмуш маҳалласида жойлашган 147-милиция таянч пункти профилактика инспектори, майор Қобил Нуриддинов. — Соҳа инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожлантирилмоқда. Милиция таянч пункти ҳузурида турли тадбирлардан ташқари кичик бизнес шохобчалари, маънавий-ахлоқий кўрсатиш тизими ва спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган муваффақиятлар омили бўлмоқда. Шундай шарт-шароитда ҳамжиҳатликда фаолият юритаётганимиз тўғрисида маҳалламизда жиноятчилик барҳам топиб, оилалар осудалиги таъминланмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлаш билан боғлиқ масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик ўзининг самараларини бераётди.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринлардан ташқари бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар муносиб тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ
Ислам Исмоилов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2013» ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Хурматли ҳамкасблар!
Ўтган 2013 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгариллаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир дово-он ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жажон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

Тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривож, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар

ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача газет ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатишган телекўрсатув ва радиокўрсатувлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахрирлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий

уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг жиҳой, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим. «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танлови ғолиблари ва совриндорларига диглом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказилаётган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловида деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

3-кават, 30-, 35-хоналар.

Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.

www.journalist.uz

8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

ОИЛАПАРВАР, МЕҲРИБОН, ҲУСНУ ЛАТОФАТДА ТЕНГСИЗ

8 март — Халқаро хотин-қизлар кун арафасида **ЎЗА МУХБИРИ** мамлакатимизда аёлларга қаратаётган эътибор, хотин-қизларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида чет эллик экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Эндрю ХНГ, «Tiong Seng Contractors Pte Ltd» компанияси директори (Сингапур):

— Ҳар бир мамлакатнинг фаровонлик даражаси, аввало, оилаларнинг турмуш тарзида, одамлар учун яратилган шарт-шароитда намоён бўлади. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистонда ана шундай ҳаёт сифатини таъминламоқда.

Мен юртингиз қишлоқларида бўлиб, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойларни кўрдим. Хонадон эгалари билан суҳбатлашдим. Уларнинг юз-кўзларида мамнуният, ҳаётдан розилик ифодаси акс этиб турибди. Айниқса, аёлларнинг боши осмонда.

Ҳақиқатан ҳам, бундай уй-жойлардаги замонвий шарт-шароитлар бекаларнинг оғирини енгил қилмоқда. Натижада улар ўзига, оиласига кўпроқ вақт ажратмоқда. Фарзандларини соғлом ва баркамол этиб тарбияламоқда. Севган машғулот, касб-хунари билан шуғулланиб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўлмоқда. Бундай ишлар самарасида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Франко РИЦЦО, ҳуқуқшунос (Италия):

— Ҳар йили 8 март кун онам, турмуш ўртоғим ва қизимга совғалар ҳада этиб, меҳр-муҳаббатимни изҳор этаман. Уларнинг ҳар доим ёнимда эканликларидан бахтиёрман. Аёллар бу дунёнинг гавҳарлари, гулларидир. Улар борки олам гўзал, ҳаёт чароғон.

Ўзбекистонда эканлигимдан фойдаланиб, яқинларимга ўзига хос совға ҳозирладим. Пойтахтнингиздаги «Чорсу» бозоридан улар учун ўзбек миллий либосларидан харид қилдим. Бундай гўзал ва бетакрор кийимлар Европада жуда қадрланади.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, оила, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни кафолатланган. Миллий сайлов қонунчилигини гизга мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларида сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота белгилангани бунга ёрқин мисолдир. Бундай имкониятлар самарасида аёллар мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётди.

Ичири ТАКАГИ, тадбиркор (Япония):

— Тошкентга хизмат сафари билан келдим. Ўзбекистонда Халқаро хотин-қизлар кун кенг нишонланишидан хабарим бор. Байрам яқинлашиб келаётгани ҳар қадамда сезилиб турибди. Шаҳрингиз дўконлари аёллар учун махсус безатилган турли хил совғалар, гулларга тўла. Эрақларнинг ҳозирданок оналари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғи ва қизлари учун совға харид қилаётганини кўриб, қувонасан киши. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизларга қаратаётган эътибордан, ҳурмат ва эъзоздан далолатдир.

Японияда ҳам шунга ўхшаш байрам бор. 3 март кун ўтади-гай «Хана мацури» айёмини

«қўғирчоқлар байрами» деб ҳам аташади. Чунки бу кунда қизи бор уйлар оstonасига уларга бахт ва соғлиқ тилаб, чиройли кийинтириб қўйилган қўғирчоқ қўйилади.

Ўзбекистон аёллари ҳусну латофати, ҳаё ва ибоси, меҳрибонлиги, орасталиги, оилаларварлиги билан ажралиб туради. Фурсатдан фойдаланиб, уларни Халқаро хотин-қизлар кун билан чин қалбимдан табриқлайман.

Нозаризах БОРХАН, Малайзия ишбилармон хотин-қизлар халқаро ассоциацияси президенти:

— Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун зарур инфратузилма яратилган. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа тузилмаларнинг ижтимоий ҳамкорлиги яхши натижа бермоқда. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

Томас НОЙМАНН, шифокор (Германия):

— Аёл, аввало, она. Улар келажак авлоднинг яратувчилари, эртанги кунимиз давомчиларидир.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланган эътиборга сазовор.

Юртингизга ташрифим давомида бир неча шифохонада бўлиб, бундай эътибор самараларини ўз кўзим билан кўрдим. Хотин-қизлар репродуктив саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсимир қизларни ихтисослашган тиббий кўрикдан ўтказиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу сайёҳаракатлар нафақат бугунги, балки келгуси авлодларнинг ҳам соғлом ва баркамол бўлиши, миллат генофондининг мустаҳкамлишига хизмат қилади. Бундай болаларни вояга етказган халқнинг келажати буюк бўлади.

Марк ЭЛЛИС, ўқитувчи (АҚШ):

— Ўзбекистон қизларининг билим ва салоҳияти жуда юқори. Мамлакатнинг таълим тизимида яратилган имкониятлар уларнинг барча қобилият ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда Халқаро хотин-қизлар байрами кенг нишонланиши уларга бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир. АҚШда май ойининг иккинчи якшанбасида оналар кунни нишонланади. Шу кун фарзандлар ўз оналарини табриқлаб, совғалар ҳада этадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон хотин-қизларини яқинлашиб келаётган айём билан мубороқбод этаман. Уларга оилавий бахт ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Назира МАНЗУРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимининг «Самарқанд вилоятида фуқаролик жамияти ривожланишининг сон ва сифат ўзгаришлари» мавзусида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари), уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, масъул котиблари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарлари учун ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

• Сирдарёда интенсив боғ барпо этиш агротехникасига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари мутахассислари иштирок этишди.

• Наманган шаҳрида Наврўз-умумхалқ байрамига бағишлаб улоқ-қўпқари бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон улоқ-қўпқари федерацияси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари терма жамоалари ўзаро куч синашди.

• Фарғона шаҳрида республика ва халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келиб келаётган бир гуруҳ спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоятдан етишиб чиққан Осиё ва жаҳон чемпионлари, ёш спортчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг шарқий ҳудудларида қалин қор ёғиши яна катта нокулайликларни келтириб чиқарди. Жумладан, уч мингга яқин авиарейслар бекор қилинди, 8,5 мингга яқин парвозлар номаълум муддатга кечиктирилди. Арканзас, Кентукки, Миссури ва Теннесси штатларида истиқомат қилувчи қатор аҳоли пунктлари электр қувватидан узилиб қолди.

• Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Ганьсу музофотида автобус иштирокида юз берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида камида ўн киши ҳаётдан кўз юмди.

• Лос-Анжелесда Америка киноакадемиясининг «Оскар» мукофоти ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир давомида «Кулиқнинг 12 йили» картинаси «Энг яхши фильм» номинацияси бўйича ғолибликка эришди. Кейт Бланшетт «Энг яхши актриса», Мэтью Макконехи эса «Энг яхши актёр» сифатида бош совринни қўлга киритди.

• Машҳур боксчи Муҳаммад Алининг оғир вазнда жаҳон чемпиони унвонини илк бор қўлга киритганда фойдаланган қўлқоплари «Heritage Auctions» кимошди савдо уйи томонидан ўтказилган кимошди савдосида 836,5 минг долларга сотилди. Савдо бошланиши олдидан Алининг қўлқоплари учун ярим миллион доллардан ортиқ пул таклиф этилмаса керак, деб тахмин қилинганди. Уларни қўлга киритиш учун 11 харидор кураш олиб борди. Бироқ қўлқоплар соҳиби-га айланган кишининг номи ошкор этилмаган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунининг таълим муассасалари томонидан ижро этилиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда мавжуд спорт объектлари базасида оммавий оилавий спорт ўйинларини ўтказиш, таълим муассасалари таркибидagi ва алоҳида жойлашган болалар спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бундан ташқари Соғлом бола йили муносабати билан ёшларнинг талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олиниб, янги спорт секцияларини кўпайтириш, халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиб қолиб ва совриндор бўлган иқтидорли ёш спортчилар билан учрашувлар ва давра суҳбатларини ташкил этиш, спорт тадбирларини маҳаллалараро ўтказиш, уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларига киритилган спорт турларининг оммавийлигини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Шу билан бир қаторда Соғлом бола йилида соғломлаштириш йўналишларига кўпроқ аҳамият бериш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-мураббийларнинг сиёсий-

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида семинар-тренинглр, давра суҳбатларини ташкил этиш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилишда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси, жумладан, таълим муассасаларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда тарбияланаётган ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга доир ишлар, ўқув юрти педагог кадрларининг малакаларини ошириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан келиб чиқиб, ўқув режа, ўқув дастурлари, ўқув машғулоти, рейтинг дафтарчаси, йиллик режалар юритилишини ўрганиш ва аниқланган камчи-

ликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, йиғилишда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилиниши чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилишни чеклашларга оид қисмининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари С.Турабджанов, Ш.Тошматов, К.Шакирова, Ж.Кульмухамедов, Х.Акилов, Д.Исламова, А.Искандаров, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари А.Мамаджонов, Ўрта махсус, касб-хуна таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Акайдинов, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бўлим бошлиғи Б.Ҳайдаров, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ю.Насимжонов, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари А.Фулмонов, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг маъсул котиби О.Тошматов ҳамда бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссия томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2014 йил — Соғлом бола йили

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ЖАМОАТЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида «Соғлом она – соғлом бола» тамойилини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу йўналишда амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида ҳар томонлама етук баркамол авлод камолга етмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Соғлом бола йили ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан соғлом авлодга қамол топтиришда аёлларнинг ўрни ва роли масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман шу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ижроси муҳокамасига бағишланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари, адвокатлар, нотариуслар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тизими вакиллари, ички ишлар идоралари масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримовнинг жорий йил 19 февралда қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида жамиятда юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш каби вазифалар қўйилгани жамиятимизда айнан шу мақсадда амалга ошириб келинган хайрли ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Пойтахтимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ўқув курсларининг дастлабки битирувчиларига сертификатлар топширилди.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ МАЛАКА ОШИРДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари, ўқув курслари ўқитувчилари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Билим – бу кучдир. Ушбу ҳақиқат Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 10 октябрда қабул қилинган тегишли қарорига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари учун мамлакатимизнинг 14 ҳудудда ташкил этилган ўқув курсларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўқув жараёнида тингловчилар ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва касбга йўналтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик на-

бундай кенг қўламли вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилгани жамиятимиз ҳаётида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топишига замин яратмоқда. Энг муҳими, бу фарзандларимизни тарбиялашда, хусусан, уларнинг замонавий билим ва касб-хуналарини егаллашига, эрта никоҳлар, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам, тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда қўл келмоқда.

Анжуманда адлия идоралари томонидан ҳам кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда оилада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янада кучайтириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида жойларда доимий равишда амалий учрашувлар, ҳуқуқий маърифат кунлари ташкил этилаётгани ўз самарасини бераётгани айтиб ўтилди.

Тадбирда оилалар фаровонлигини оширишда касаначилик имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш, аёлларни тадбиркорликка кенгроқ жалб этиш, ёш авлоднинг ҳар томонлама қамол топиши бўлиб улғайиши учун уларни фойдали тўғрақ ва машғулотларга жойлаштириш, маҳаллаларда бунинг учун шарт-шароитларни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ БУРЧ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улуғбек туман бўлинимаси ташаббуси билан тумандаги Алишер Навоий номи маҳалла гузарига «Ватан ҳимояси — ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Қуролли Кучлар сафида муқаддас бурчини ўтаб қайтган ва ҳарбий хизматга боришга шайланаётган мард, навиқрон ёшлар билан учрашув ва концерт дастури ташкил этилди. Унда туман Мудоффа ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар туманда истиқомат қилувчи аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуларини, миллий қадрият, урф-одат, анъаналарни тараннум этиш ҳамда ёшларни юксак маънавий-ахлоқий ғазилатлар асосида тарбиялаш, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан баркамол инсон сифатида вояга етказиш хусусида тўхтадилар.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ҳар бир йигит ўз ҳаёти мазмунини Ватан тақдирини билан боғлар экан, эл-юрт, мустақил она диёримиз равақига ҳисса қўлиш, бунда фидойилик, жасорат ва дадил интилиш зарурлигини идорқ этилиши, армия турли миллат вакиллари билан бирлаштириб, бирлаштириб, ягона мақсад сари ҳаракатланишига ундаш, том маънода шу азиз Ватан барчамизники эканини тарғиб этишдан иборатдир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улуғбек туман бўлинимаси раиси Нурхон Алланазарова. — Жорий йилда туманда истиқомат қилувчи 111 нафар ёшлар Қуролли Кучлар сафида муқаддас ва шарафли йигитлик бурчини ўтаб қайтиб келмоқда. Ҳар бир ҳарбий хизматчи учун эсдалик совғалари ва бўш иш ўринлари рўйхати тақдим этилмоқда. Бу эса ўз навбатида, уларнинг ҳаётида муносиб ўринларини топишларида кўмак беради.

Даврон РАҲИМОВ

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимида изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу борадаги ишлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар ижроси муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирини Н.Йўлдошев ва бошқарув Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қонун устуворлиги тамойилини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани юксак самара бераётганини таъкидлади. Бу нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, балки иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида ҳам намоён бўлаётди.

Давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб бориш механизми ўрнатилгани, хусусан, Адлия вазирлиги тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлими ташкил этилгани шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда мазкур бошқарма ва унинг ҳудудий бўлими фаолиятида тизимли амалиёт шаклланди. Асосий эътибор қайси соҳада қонунчилик нормаларини нотўғри, турлича талқин қилиш ва қўллаш каби ҳолатлар учраётган бўлса, уларнинг олдини олишга, бартараф этишга қаратилмоқда. Ўрганиш материаллари асосида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликларга нафақат фаолияти ўрганилган давлат органларида, балки бошқа идораларда ҳам йўл қўймаслик юзасидан муҳокама этиш амалиёти йўлга қўйилган.

Тадбирда мазкур тизим томонидан 2013 йилда ўтказилган ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама этилди. Ўтган йили 18 давлат органи тизимида қонунчиликка риоя этилиши ўрганилиб, 10 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолати ва қўллаб қамчиликлар аниқланган. Қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган учта идоравий ҳужжат, 1,2 мингдан зиёд қонунчилик қарор бекор қилинган. Бунга йўл қўйган 667 нафар мансабдор шахс интизомий, 156 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. 19 нафар мансабдор шахс лавозимидан озод этилган, икки ҳолат юзасидан прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Қонунбузилиш ҳолатлари такрорланишининг олдини олиш мақсадида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан идоравий ва идораларора чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларидаги айрим бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан давлат органларига 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган. Фаолияти ўрганилган соҳа ходимларининг касб билимларини юксалтириш юзасидан туркум семинарлар ташкил этилган.

Бунда асосий эътибор давлат органларининг ҳар бир масъул ходимида қонун ҳужжатлари нормаларини сўзсиз, тўғри, аниқ ва бир ҳилда қўллаш масъулиятини шакллантиришга қаратилмоқда. Ўз навбатида, мазкур тадбирлар ҳар бир давлат органига ўзининг тармок ва ҳудудий тузилмалари фаолиятидаги мавжуд камчиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, уларни бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари масъул ходимлари иштирок этган тадбир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎзА)



Иқтисодиёт

ИМКОНияТлардан САМАРАЛИ Фойдаланиб

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бутунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Соҳани ривожлантириш натижасида аҳолининг бандлик даражаси ортиб, ички бозоримиз сифатли маҳсулотлар билан бойимокда.

Хусусан, ушбу соҳани бир бўгини бўлган оилавий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши юртимизда оилалар даромадини кучайтириш ва халқимиз турмушининг фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик субъектлари сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида йирик корхоналардан қолишмаяпти. Улар томонидан тайёрланаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ички бозоримизни тўлдириб, харидорлар талабини қондиради.

«Xushvaqt mebel» оилавий корхонаси ҳам ана шундай харидорни маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналардан биридир. Бахтиёр Каримов бошчилик қилаётган мазкур оилавий корхона бир йилдан ошиб вақт мобайнида шахримиз аҳолиси учун мустаҳкам, чидамли ва сифати кафолатланган юмшоқ мебелларни тайёрлаб келмоқда.

Ёшлигидан дурадгорлик касбига қизиқан Б.Каримов давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Яшаб турган уйининг маълум бир қисмидан жой ажратиб, юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Оила аъзоларим билан бирга харидорлар талабига қараб

ўн хилдан ортиқ юмшоқ мебелларни ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Каримов. — Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик соҳаси ва ишбилармонлар учун жуда кўп имкониятлар эшиги очилган. Янги иш бошламоқчи бўлган тадбиркорларга кредитлар ажратилиб, коммунал, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларда ҳам имтиёзлар берилмоқда. Биз ҳам шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бормоқдамиз.

Мазкур оилавий корхона раҳбари келгусида банкдан кредит олиб корхона фаолиятини кенгайтирмоқчи. Шунингдек, замонавий технологияларни келтирилган ҳолда маҳсулот сифати ва ҳажминини оширишни ҳам мақсад қилган. Тадбиркорнинг уйлабдан режалари амалга ошса яна бир неча киши иш билан таъминланади.

Бугун тадбиркорнинг барча оила аъзолари иш билан банд. Аёллар мебеллар учун ишлатилмайдиган матоларни тикишса, Бахтиёр отаси ва укаси ёрдамида маҳсулотнинг асосий қисмини тайёрлаб, шахримиздаги мебел дўконларига етказишди. Қарабизки, келадиган даромад бир оиланинг бюджетига тушади ва фаровон турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилади.

**Абдували СОДИКОВ
Ислон Исмоилов
олган сурат**

ТАДБИРКОР



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг баҳор фаслининг ilk кунларида ўтказилиши хайрли анъанага айланган. Кечадан Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган танловнинг шахримиз туман бошқалари бошланди.



Жумладан, Миробод туманидаги «Афросиёб» тантаналар саройида ўтказилган танловда Бектемир, Миробод ва Ҳамза туманларида йил якунларига кўра юқори кўрсаткичларга эришган, янги иш ўринларини ташкил қилишда фаоллик кўрсатган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини янада кўпайтиришга эришган ҳамда барча солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаган тадбиркорлар ва хунармандлар иштирок этди.

Кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳудудларда тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, соҳа вакиллари яратилган қўлай шарт-шароитларнинг самарадорлигини ўрганишдир. Шу билан бирга мазкур тадбир илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш ва улар орасида ўзаро тажриба алмашиш жараёни вазифасини ҳам ўтайди.

— Танловнинг бу йилги босқичида тадбиркор ва хунармандларимиз аввалгига қараганда анча фаол ва маҳсулотларнинг сифати ҳам жуда юқори, — дейди Савдо-саноат палатасининг Ҳамза тумани ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Мурод Абдуллаев. — Ҳар бир тадбиркор ҳолиблик учун чин дилдан курашмоқда. Иштирокчилар тайёрлаётган маҳсулотлар бири-бирдан сифатли бўлиб, бу ҳолибларни аниқлашда ҳам муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

«Ташаббус-2014» кўрик-танлови ҳолиблари янги

«Ташаббус — 2014»

ТАШАББУСКОРЛАР ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

мезонлар — қатнашчининг фаолияти ва эришган ютуқларини объектив ва кенг қўламли баҳолаш имконини берадиган, давр талабидан келиб чиққан ҳолда киритилган актуал йўналишлар бўйича аниқланади.

Танлов якунига кўра ҳар бир тумандан ҳолиб ва совриндорлар аниқланди. «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича Бектемир туманидан «Niso tekstil servis» масъулияти чекланган жамияти, Миробод туманидан «Professional Kitchen Solution» масъулияти чекланган жамияти,

Ҳамза туманидан эса «Child Style» оилавий корхонаси ҳолибликни қўлга киритди.

«Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналишида Бектемир туманидан Дилноза Юсупова, Миробод туманидан Юлдуз Раҳимқуллова, Ҳамза туманидан Раҳматулла Насриддинов соҳанинг энг яхши мухтаассислари деб тан олинди. Ҳар иккала йўналиш бўйича биринчиликни қўлга киритган хунарманд ва тадбиркорлар танловнинг шахр босқичига йўланма олишди.

Шунингдек, «Йилнинг энг яхши хунарманд аёли», «Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг яхши оилавий бизнес», «Энг яхши оилавий хунарманд», «Менинг юртим, менинг ифтихорим» номинациялари бўйича ҳам юқори кўрсаткичга эришган тадбиркор ва хунармандлар аниқланди.

Ҳолибликка эришган иштирокчиларга кўрик-танловнинг ташкилотчиси бўлмиш Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

Сўнгги йилларда Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қатъи эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, олиб борилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратилмоқда.

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Бундан ташқари, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар бериш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очиб берилмоқда.

Яратилган қўлай шарт-шароитлар ва кенг имкониятлардан фойдаланиш билан бир қаторда, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир тадбиркордан ўз фаолиятига жиддий ёндошиш талаб қилинади. Акс ҳолда, фойда олиш ўрнига зарар кўриш ҳеч гап эмас. Самарасиз фаолият юритган ҳўжалик юритувчи субъектлар, албатта давлат ва жамият манфаатларига зарар етказди. Аммо, ҳозирги шаклланган бозор иқтисодиёти шароитида самарасиз ишлайдиган корхоналарнинг таназзулга юз тутиши табиий. Шу боис, ҳўжалик юритувчи субъекти тугатишнинг ҳуқуқий асосларини билиш ҳар бир юридик шахс учун муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада тадбиркорлик субъектларини тугатишга доир бир неча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги «Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарорида тадбиркорлик субъектларини тугатишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, 2007 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига биноан юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш унинг муассисларининг

(иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатлари билан тегишли ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига ёхуд суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридagi қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ молия-ҳўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналарни (банк ҳисобварақлари бўйича уч ой мобайнида операцияларни ўтказмаган савдо, савдо-воситачи корхоналарни), шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиблари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридagi қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш ва тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар фаолиятини тугатиш тартибларининг ҳуқуқий асослари белгиланди.

Умуман олганда, тадбиркорлик субъектларини тугатишда томонларнинг имтиёзлари, ваколатлари, кафолат ва ҳуқуқлари қонун асосида кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг қабул қилинишида яна бир эътиборга молик жиҳати шундан иборатки, юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти тугатилади, шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи ҳамда бошқа турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тугатилади каби имтиёзлар аниқ белгиланган бўлиб қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига берилган ушбу имтиёзлар бирор-бир давлатларда қўлланилмаслиги ҳам Юртбошимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига берилаётган кенг имкониятлардан далолатдир.

Бундан ташқари, корхоналарни тугатиш жараёнида юқоридagi имтиёзлар билан бир қаторда, корхона муассислари (қатнашчилари),

тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахснинг тугатишнинг исталган босқичида фаолиятини тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам ушбу қарорда аниқ қилиб белгиланган бўлиб қўйилди.

Бу имтиёзларнинг берилиши албатта, тадбиркорлик субъектларининг муассисларини мазкур имтиёзлардан фойдаланиш учун корхонани тугатиш ишларини юқоридagi Низомда белгиланган муддатда, яъни рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор этилган кундан бошлаб тўққиз ойдан ошмаган муддатда амалга оширишга ундайди ёки корхона фаолиятини қайта тиклаш имкониятини яратди.

Уйлашмиш, бу каби имтиёзлар келажакда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур яратилаётган имтиёзлар асоси сифатида амалдаги қонун ҳужжатларига мунтазам равишда тақдирлар бериб келинмоқда. Хусусан, корхона муассислари томонидан корхона фаолиятини тиклаш ёки тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур қарорни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим қилиниши, шунингдек ихтиёрий тугатиш жараёнидаги корхоналар тугатиш ишларини якунига етказа олмаган тақдирда, ушбу корхонанинг таъсисчиси (таъсисчилари) қайтадан ихтиёрий тугатиш реестрига кириш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги юзасидан тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бозор иқтисодиётининг асоси бўлган тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш бора-борадаги устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Неъматжон ШЕРДОНАЕВ,
Адлия вазирлиги
Юридик шахсларни давлат
рўйхатидан
ўтказиш бошқармаси бўлим
бошлиғи

Сўранг, жавоб берамиз

ИШБИЛАРМОНГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

Қонунчиликда даъво мuddати ва уни ҳўжалик судда қўллаш амалиёти қандай?

О.Каримова,
Чилонзор тумани.

Ҳўжалик судига ҳар қандай манфаатдор юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўзининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш сўраб, Ҳўжалик процессуал кодексида белгиланган тартибда ва Фуқаролик кодексида қўзда тутилган мuddат доирасида мурожаат қилишга ҳақли.

Даъво мuddати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган мuddатдир. Фуқаролик кодексида кўра умумий даъво мuddати уч йил деб белгиланган бўлиб қўйилган.

Аризачиларнинг бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво мuddатининг ўтганлигидан қатъи назар судда қўриб чиқиш учун қабул қилинади. Бироқ, даъво мuddати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунча берган аризасига мувофиқ қўлланилади ва даъво мuddатининг ўтиши суднинг даъвои рад этиш ҳақидаги қарор чиқаришига асос бўлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ишда қатнашувчи тарафлардан даъво мuddатини қўллаш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, даъво мuddати суд ўзининг ёки ишда қатнашувчи прокурорнинг ташаббуси билан қўлланилиши мумкин эмас.

Низони судда қўриш жараёнида, тарафлар томонидан даъво мuddатини қўллаш тўғрисида ариза берилишининг ўзи тўғридан-тўғри даъво мuddатини қўллашга асос бўла олмайдди. Даъво мuddатини қўллашдан олдин, суд бу масалада хатога йўл қўймамаслиги мақсадига, даъво мuddатининг ўтиши бошланган вақтни, унинг ўтишида тўхтатиш ёки узатишлар бўлгани ёки бўлмагани каби ҳолатларни аниқлайди. Бу ҳаракатлар бажарилгандан кейин даъво мuddатини қўллаш масаласи ҳал этилади.

Ҳуқуқи бузилган шахснинг судга даъво билан мурожаат қилиш мuddатини ўтказиб юбориш сабаблари ҳар хил бўлиши, жумладан, узрли ҳам бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатда, даъвогар томонидан судга даъво мuddатини тиклаш тўғрисида ариза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида асосан башарти, суд даъво мuddатининг ўтказиб юборилганлик сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак. Аксинча даъво мuddати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топилса, бундай ҳолатда даъвои қаноатлантириш рад этилади.

Бу масалада яна айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўра айрим турдаги талаблар учун қонунларда ҳамда меъёрий ҳужжатларда умумий даъво мuddатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво мuddатлари белгиланиши мумкин. Махсус даъво мuddатларини тартибга солиш Фуқаролик кодекси, темир йўллар Устави, Ҳаво кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қўзда тутилиши мумкин.

Жумладан, Фуқаролик кодексида биноан юк ташишдан келиб чиқадиган талаблар бўйича даъво қўзғатиш мuddати 1 йил қилиб белгиланади. Бу бир йиллик даъво мuddати шу туркумдаги барча талабларга (юкни сақламаслик, кечикиб етказиб берилиш, тўловлар бўйича ҳисоб-китоб), шунингдек, ташувчининг юк ҳўнатувчи ва юкни қабул қилувчига нисбатан бўлган талабларига ҳам қўлланилади.

Волида АХАТОВА,
Тошкент шаҳар
ҳўжалик суди судьяси

«Камолот»

МАҲОРАТЛАРИ ОШИРИЛАДИ

Тошкент Ирригация ва мелiorация институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши қошида «Сардорлар мактаби» фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ёшларнинг мактабга қабули учун имтиҳон ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, мазмунли ҳордик чиқариши, ўз билим ва салоҳиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қўйи бўғинлардаги сардорлар ва уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар ўртасида оммавий маданиятга қизиқиш ҳамда лоқайдлик муаммоларини ечишга кўмаклашиш мақсадига ташкил этилган тадбирда пойтахт туманларидаги таълим муассасаларининг ўқувчилари иштирок этди.

— «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши тасаруфидagi «Сардорлар мактаби» ёшларни қомил инсон қояси асосида тарбиялаш, уларда сардорлик маҳоратини ошириш, соғлом фикр ва соғлом онгли шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш, лоқайдлик, бепарволик асоратларини йўқотиш, буюк аждодларимизга нисбатан ҳурмат тўғрисидаги шакллантириш ва юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга кўмаклашгани ҳолда ёшларда қоявий ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёт гоилар билан курашиш мақсадида ўз фаолиятини бошлади, — дейди «Камолот» ЕИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Дилёра Мелдибекова. — Мактаб аъзоси бўлиш 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, мактаб-интернатлари, гимназиялар ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари жалб қилинган. Бугунги кунда «Сардорлар мактаби»га аъзо бўлишни истовчилардан жуда кўп аризалар келиб тушди. Имтиҳондан ўтган жами 80 нафар ўқувчи мазкур мактабда ўқишга қабул қилинди.

Уч ойлик махсус мактаб курси тингловчиси бўлиш учун ҳар бир фаол ёшдан белгиланган синовдан ўтиши талаб этилади.

— «Сардорлар мактаби»га аъзо бўлганимдан бехад хурсандман, — дейди шахримиздаги 320-умумтаълим мактаб ўқувчиси Ботир Тўраев. — Мазкур мактабга аъзо бўлиш учун устозларим кўмағида инглиз ва рус тилларини мукаммал ўргандим. Бўлаётишимиз янада бойитдим, дунёқарашимни кенгайтирдим.

Зиёда РАСУЛОВА

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида «Бир оила барпо бўлгунча...» деб номланган давра суҳбати ўтказилди.

Дарҳақиқат, оила — Ватан ичра кичик бир Ватан, муқаддас қўрғон, баркамол авлод камол топадиган улғу маскан. У ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигига гувоҳ анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар рамзи сақланган азиз даргоҳдир. Оила ҳақида гап кетганда, албатта, Юртбошимизнинг «Оила соғлом экан жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарордир», дея билдирган фикрларини тилга олиш жоиз.

Юқоридagi тадбир Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган «Фахрия аёллар» уюшмаси ҳамда тумандаги «Кохота» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилди. Шунингдек, тадбирда хотин-қизлар қўмитаси, «Лабзак», «Ўқчи», «Жангоҳ», «Ўрда» маҳаллаларининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.

— Давра суҳбатини ўтказишдан мақсад вояга етмаган ёшларни 12 йиллик таълимга қамраб олиш ҳамда эрта турмуш қўриш ҳолатларининг олдини олиш, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ёшларни оилага ҳурмат руҳида тарбиялаш, шунингдек, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Ўллатова. — Бу эса вояга етмаган ёш оила бунёдкорларининг оилага оид тушунчаларини бойитиш, бахтли оила барпо этишнинг муҳим шартларини ва вазифаларини тўлароқ англашга хизмат қилади.

Тадбирда академик лицейдаги «Ораста ёшлар» тўғрагининг фаол аъзолари томонидан оилавий муносабатлар ва турли ҳаётий вазитларга доир саҳна кўри-нишлари ижро этилди. Йигит-қизларнинг «Баркамол авлод» ва «Тинчлик» гуруҳларига бўлган ҳолда тайёрлаган «Оила бахтсизлиги — жамият бахтсизлиги», «Бахтли оила», «Муслик — маданиятимиз инъикоси», «Оилавий бахт фомулаларининг таърифи» сингари саҳна кўри-нишлари барчага манзур бўлди.

— Бугунги тадбир орқали оиладаги муаммоларнинг юзга келиш сабаблари ва уларни бартараф этиш омиллари юзасидан тегишли тушунчаларга эга бўлдим, — дейди академик лицейнинг «Аник фанлар» йўналиши 2-босқич ўқувчиси, «Ораста ёшлар» тўғраги аъзоси Абдураҳмон Рафизов. — Айниқса, ҳар бир лавҳадан сўнг маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар билдирган фикр-мулоҳазалар, психологлар томонидан ўтказилган семинар-тренинглар орқали мавзунини янада чуқур мустаҳкамлаб олдим.

«Фахрия аёллар» уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Тўтихон Юсупованинг ҳаётий тажрибалари, оилавий муносабатларда дўх келинадиган айрим вазитлар ечимига оид мушоҳадалари йиғилганларнинг эътиборини тортди. Тадбир давомида лицейнинг ўқувчи-ёшлари оиланинг муқаддаслиги ва унинг барқарорлигига ҳар бир оила аъзолари масъул эканлиги тўғрисида тушунчага эга бўлдилар.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

Спорт янгиликлари

«ЛОКОМОТИВ»НИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирида қатнашиш имкониятидан маҳрум бўлган «Локомотив» жамоаси янги футбол мавсумига Вадим Абрамов бош мураббийлигида хорижда тайёргарлик кўрапти.

Яқинда темирйўлчилар БААнинг «Дубай Сити» жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушишди.

Айтиш жоизки, бу ўйинда ўтган йилги жароҳатидан фориғ бўлган ҳужумчи Фарҳод Тожиев ҳамда «Локомотив» сафига келиб қўшилган Жасур Ҳасанов, Лутфулла Тўраев

ҳам иштирок этишди.

Учрашув тошкентликларнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Шу кунги ўйинни кузатган мухлислар 7 та голнинг гувоҳи бўлишди. Қизғин шундаки, ўйин 7:0 ҳисобида Абрамов шогирдларининг ғалабаси билан якунланди.

Малайзияда ўсмирлар ўртасида бадий гимнастика бўйича ўтказилган Осиё чемпионати ўзбекистонлик ёш гимнастикачиларга омад келтирди.

БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ КИТЪАДА ТЕНГСИЗ

Китъамизнинг ушбу спорт тури анча ривожланган давлатлари вакиллари қатнашган ушбу нуфузли мусобақада ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари 4 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритишди ҳамда умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Жорий йилда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида Олимпиада мусобақалари уюштирилади. Малайзияда бадий гимнастика бўйича уюштирилган китъа биринчилигидаги муваффақият Олимпиаданинг бадий гимнастика баҳсларида спортчиларимизнинг икки нафарига иштирок этиш имкони берди.

ТОШКЕНТ — ХАЛҚАРО ТУРНИР МЕЗБОНИ

Мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори спорт гимнастикаси ҳам жадаллик билан ривожланмоқда.

Буни ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро турнирларда эришган муваффақиятлари исботлайди. Жорий йилнинг 7-14 апрель кунлари пойтахтимиз

яна бир халқаро турнирга мезбонлик қилади. Айнан шу кунлари Тошкентда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Россиянинг Анапа шаҳрида ёшлар ўртасида бокс бўйича уюштирилган халқаро турнир якунига етди.

ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Жаҳоннинг 20 га яқин давлатидан келган 144 нафар ёш чарм қўлқоп усталари иштирокида турли вазн тоифаларида уюштирилган баҳслар Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига омад келтирди. Қизқарли ва мurosасиз курашларга бой кечган баҳслар якунида ёшлар терма жамоамиз аъзолари 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритиб Тошкентга ёруғ юз билан қайтишди. Анападаги мусобақада ҳамюртларимиздан кумуш медалларга эгалик қилган Абдулхай Шорахматов ва Тоҳиржон Обидовларнинг хатти-ҳаракатлари мутахассислару мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.

Акбар Йўлдошев



Мухаммад Амин (ЎсА) олган сурат

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида «Камолот» ЁИХ томонидан турли хил спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Бектемир туманидаги 289-умумтаълим мактабида мана шундай яна бир тадбир — «Камолот шахмат тахтаси» республика турнирининг туман босқичи ёш тоифалари бўйича ўтказилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган тадбирда 6-8, 9-11, 12-14, 15-16, 17-19 ёшли ўқувчилар иштирок этди.

Мусобақа мамлакатимизда шахмат спортини янада кенгрок тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш, қадимий ақл-идрок ўйини саналган шахмат санъатини маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ўтказилди.

Мусобақа якунида 10 нафар иштирокчи шаҳар босқичига йўлланма олди. Ғолиб ёшлар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 8 апрель кун соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Мирзо Улуғбек туман Суд ижрочилири бўлими томонидан савдога қўйилган: 1. Тошкент шаҳри Олмазор туман давлат нотариал идораси нотариусининг 2010 йил 23 апрель кунги 2723-сонли нотариал ёзувиге асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Лашкарбеги кўчаси, 6-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 62,71 кв.м., яшаш майдони 42,8 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 93 825 800 сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2013 йил 14 мартдаги 8/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи 1-тор кўчаси, 13-хонадонда жойлашган, умумий майдони 800 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 171 167 130 сўм.

3. Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2013 йил 14 мартдаги 8/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи 1-тор кўчаси, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 456 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 195 582 240 сўм.

4. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 12 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 184 214 000 сўм.

5. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2013 йил 2 декабрдаги 2-50-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ғ.Абдуллаев 2-тор кўчаси, 10-1-уй, 1а-хонадонда жойлашган, умумий майдони 123,87 кв.м., фойдаланиш майдони 58,03 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 272 624 200 сўм.

6. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2013 йил 2 декабрдаги 2-50-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, О.Зокоров кўчаси, 10-уй, 8-хонадонда жойлашган, умумий майдони 59,79 кв.м., фойдаланиш майдони 30,47 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 93 156 400 сўм.

2014 йил 25 март кун соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан: 1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 20 февралдаги 1-587-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олой бозори кўчаси, 23А-уйда жойлашган, умумий майдони 1530 кв.м. бўлган офис биноси. Бошланғич нархи — 1 015 379 650 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қатортол ҚФЙ, Х.Нуғмон кўчаси, 110-уйда жойлашган, умумий ер майдони 7,415 га, амалда фойдаланаётган майдони 6,9756 га бўлган, ферма бино ва иншоотлари. Бошланғич нархи — 2 177 099 943 сўм.

II. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 355 817 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 156 925 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 362 031 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобог кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи — 1 900 129 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қибрай 1-тор (аввалги М.Джалил) кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 322 729 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 185 948 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 315 873 000 сўм.

8. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 353 568 000 сўм.

9. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шалола кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 202 844 000 сўм.

10. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 348 190 000 сўм.

11. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794 кв.м. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 280 707 000 сўм.

III. Чилонзор туман Суд ижрочилири бўлими томонидан, Самарқанд вилоят Хўжалик судининг 2012 йил 17 майдаги 14-1202/3699-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-даха, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 143 кв.м. бўлган офис ва омборхона. Бошланғич нархи — 151 002 320 сўм.

IV. Мирзо Улуғбек туман Суд ижрочилири бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2009 йил 26 октябрдаги 2-106-09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Чинобод кўчаси, 33/6-уйда жойлашган, умумий майдони 260,5 кв.м., яшаш майдони 31,92 кв.м. бўлган, таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланмаган уй-жой. Бошланғич нархи — 539 949 600 сўм.

V. Сергели туман Суд ижрочилири бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туман судининг 2013 йил 12 февраль кунги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Дарё бўйи 2-берк кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, 1960 йилда қурилган, хом гишт, бетон ва пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи — 16 644 382 сўм.

VI. Яксарой туман Суд ижрочилири томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 7 октябрдаги 11-1304/9641-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яксарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 41-уйда жойлашган, ер майдони 600 кв.м., бионинг умумий майдони 242 кв.м., фойдали майдони 217,91 кв.м. бўлган, бир қаватли нотураб жой. Бошланғич нархи — 250 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтини расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунли қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 8 апрель кун соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқич-ма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан 2011 йил 15 август кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 А 351 бўлган «СК 24» русумли ярим тиркама. Бошланғич нархи 23 040 350 сўм.

2014 йил 20 март кун соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 17 апрель кунги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ да сақланаётган, 1997 йилда и/ч дав. бел. 10 F 2849 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 661 503 сўм. 2. 2013 йил 17 апрель кунги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ да сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 B 321 BA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 548 000 сўм. 3. 2013 йил 22 июль кунги 27352/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, УЗР МХХ Тошкент вилоят бошқармасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 D 2070 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 300 000 сўм. 4. 2013 йил 30 октябрь кунги 36233/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 C 589 KA бўлган «Спарк» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 200 000 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан 2012 йил 24 сентябрь кунги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан, Сергели тумани, Файзли кўч. 3-уйда сақланаётган: 1. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BJ 015 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 109 516 сўм. 2. 2008 йилда и/ч дав. бел. M 7727 бўлган «БМВ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 164 032 572 сўм. 3. 2001 йилда и/ч дав. бел. 10 AG 777 бўлган «Мерседес-Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 830 458 сўм. 4. 2012 йил 3 май кунги ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман СИБ ховлисида сақланаётган, 2000 йилда и/ч дав. бел. 01 S 593 FA бўлган «Газ311000» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 875 165,20 сўм. III. Ҳамза туман СИБ томонидан 2010 йил 30 июль кунги 1-1241/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1989 йилда и/ч дав. бел. 30 O 0935 бўлган «ИЖ-2125» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 920 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтини расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунли қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гувоҳнома: 006388.

Гуво